ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2020/ №5(49)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида 5

Г.Т.МАҲМУДОВА
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси 10

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

ТАРИХ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

Г.Б.НОРМУРОДОВА
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида 33

А.МАМАЖОНОВ
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

Н.Б.КОМИЛОВ
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари 47

М.Ҳ.ҒОЗИЕВ
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

А.А.АБДУХАЛИМОВ
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Ч.ИГАМУРАТОВА
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни 76

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари 84

Н.Д.ШИРИНОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар 93

Г.З.РОЗИҚОВА
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

Ш.М.СУЛТОНОВА
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

Д.А.РУСТАМОВ
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

Д.Н.САТИМОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили 130

Н.Р.АМОНТУРДИЕВ
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили 138

D.A.SOBIROVA
Bolalar she'riyatida alliteratsiya 145

CONTENTS

PHILOSOPHY

M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy 5

G.T.MAKHMUDOVA
From education to worldview is a paradigm of social development 10

A.A.EGAMBERDIEV
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

HISTORY

M.G.ABDULLAEV
Chronology and metrology in «Babur-name» 25

G.B.NORMURODOVA
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity 33

A.MAMAJONOV
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe 40

N.B.KOMILOV
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov 47

M.H.GOZIEV
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) 55

A.A.ABDUKHALIMOV
Secondary schools in the villages of the fergana valley 61

LITERARY STUDIES

D.Ch.IGAMURATOVA
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» 68

N.X.SHARAFIDDINOVA
Components and the place of rhithm-phonetic figures 76

LINGUISTICS

Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence 84

N.D.SHIRINOVA
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

G.Z.ROZIKOVA
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari 102

O'.H.ISLAMOV
The factors creating eloquent speech 109

SH.M.SULTANOVA
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units 115

D.A.RUSTAMOV
Language value and the communication process 122

D.N.SATIMOVA
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

N.R.AMONTURDIEV
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language 138

D.A.SOBIROVA
Alliteration in children's poetry..... 145

УДК: 44 (077)

ЛИСОНИЙ ҚИЙМАТ ВА МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИ

Д.А.Рустамов

Мақолада мулоқот жонли ва динамик система деб қаралиб унинг таркиби ва қурилиш структураси таҳлилга тортилади. Шунингдек, тил бирликларининг лисоний қиймати унинг бошқа тиллардаги муқобилининг семантик структурасига қиёсланиши асосида очилиши, сўзларни қиёслаш натижасида бошқа бир тил учун «ортиб қолган» маъновий парча шу сўзнинг тилдаги лисоний қиймати сифатида қаралиши масаласи, лисоний қийматнинг аниқланишида нутқий омилларнинг аҳамияти ҳам баён этилади.

Калит сўзлар: *тил, аташ-номлаш, ифодаловчи, ифодаланмиш, семантик моҳият, окказионаллик, лисоний тажриба, метафоризация, лисоний қиймат, парадигматика*

В статье анализируются компоненты и структура коммуникации как живая и динамическая система. Подчеркивается, что значимость языковых единиц раскрывается на основе сопоставления их с семантической структурой эквивалентов из других языков, обосновывается, что непередаваемое «лишнее» в значении данного слова, возникшее в результате такого сравнения, является языковой значимостью; описывается роль речевых факторов в определении языковой значимости.

Ключевые слова: *язык, номинация, означающее, означаемое, семантическая сущность, окказиональность, языковой опыт, метафоризация, языковая значимость, парадигматика.*

Янги аср тилшунослигида тил феноменига янгича ёндашувлар асри бўлди дейиш мумкин. Ўтган асрнинг сўнгида тилшунослик тилга «тил ўзида» тамойили асосида ёндашувдан маълум даражада тийилиб, уни фаннинг ибтидосида бўлгани каби тил ва инсон, тил ва инсоният муштараклиги асосида назарий ўрганишга киришди. Бу глобаллашув шароитида маънавият муаммоси долзарблашганлиги, тамаддуний жадаллашув ва маданиятлараро мулоқотнинг кучайиши натижасида маданий қадриятларни сақлаб қолиш, бойитиш ва ривожлантиришга эҳтиёжнинг ортаётганлиги билан белгиланади.

Тил шунчаки алоқа-аралашув воситаси бўлмасдан, халқ ва миллат маънавий мулкининг хазинаси ҳамдир. Ундаги ҳар бир восита, ифода минг-минг йиллар давомида миллий онг ва дунёқараш, миллий руҳият призмасидан ўтиб сайқалланади, маъно ва шакл жиҳатидан камол топиб, миллий ўтмиш ва қадриятлар тизими билан уйғунлашиб боради. Натижада тил ва онг, тил ва маънавият, тил ва тарих бири иккинчисини тақозо этадиган, иккинчиси биринчисисиз англанмайдиган ва тушунилмайдиган ҳолатга келиб қолади. Тил халқ руҳиятнинг либоси, маънавият тилнинг мағзига айланиб қолади. Тилларнинг фарқли хусусиятлари ҳам ана шу яхлитликдан изланиши бежиз эмас ва бундай ёндашув олдида бошқача талқинлар ожиз ва ночор кўриниши шубҳасиз. «Чиндан ҳам, ҳар бир миллатнинг ўзига хос кўриш тарзи бор, ўзига хос идрок интизоми бор, умумлаштириб айтганда, ўзига хос тафаккур тамойили бор. Шунинг учун ҳам «миллий онг», «миллий тафаккур», «миллий туйғу» деган оддий тушунчалар, минг йиллардир, одам боласининг қалбидаги нурга қудрат ва қамров бахш этиб келади. Тилнинг моҳияти, вазифаси кўпинча бениҳоя жўн талқин этилади. Гўёки тил – энг муҳим алоқа воситаси бўлган ижтимоий ҳодиса. Тилнинг алоқа воситаси эканлиги унинг жуда кўп вазифаларидан фақат биттагинасидир. Аслида, тил энг аввало, дунёни кўриш, эшитиш, билиш, идрок этиш воситасидир. Айни пайтда тилнинг руҳий, эстетик ҳодиса ҳам эканлигини унутмаслик керак» [1. Б. 10].

Ҳар қандай борлиқ ва онг ҳодисаси серқирра эканлиги билан характерланади. Серқирралик ҳодисанинг полифункционаллик хусусиятини таъминлайди. Тил ҳам ўзида, юқорида айтилганидек, кўп қиррали ва кўп вазифали мавжудликдир. Нарса моҳиятининг турли томони унинг турлича вазифа бажариши ёки турли хусусиятларига боғлиқ равишда турлича намоён бўлади. Бунда бутун-бўлак диалектикаси ҳам нарсанинг серқирралиги ва полифункционаллиги талқини билан бевосита боғланиб кетади. Бўлаклар бутун таркибига кирса-да, улар нисбий мустақиллиги билан характерланади ва улардан бирида бутунлик моҳиятининг қайсидир бир қирраси кучсизроқ, бошқаси кучлироқ намоён бўлади ва функционал фарқлиликлар, қолаверса, қарама-қаршилик ва зиддиятлар юзага чиқади. Бу, айниқса, мураккаб архитектоникага эга бўлган қурилмаларда, жонли ва ўзини ўзи ташкил этувчи ҳамда ривожлантирувчи системаларда, динамик тизимларда, ўз потенциал

имкониятларини вазият ва шароит билан боғлиқ равишда воқелантирадиган бутунликларда, хусусан, биологик ва ижтимоий яхлитликларда яққол кўзга ташланади. Бу функционал тизимда шахсий нутқ ва унинг замиридаги лисоний имкониятнинг мавжудлик ва воқеланиш хусусиятлари ўзига хос ўрин тутади.

Ҳар бир этник муҳитда мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Гарчи Шарқда мулоқот жараёнида, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби оврўпалашиш кучаяётган бўлса-да, этник ўзига хосликларнинг ҳар қандай ташқи куч таъсирида ҳам дарз кетмайдиган мустаҳкам қатламлари мавжуд. Этномаданий мулоқот қадриятлар пойдевори устига қурилади. Минг-минг йиллардан бери турмуш ўртоғи ёки ота-онасини сизлашга одатланган ўзбек миллати учун Европа мулоқот маданияти ҳавас бўла олмайди. Этномаданий мулоқот фарқлари нафақат сўз қўллашда, балки паралингвистик воситалардан фойдаланишда ҳам яққол сезилиб туради. Бошни горизонтал ҳолатда қимирлатиш асосидаги фикр ҳеч қачон вертикал ҳолатдаги ҳаракатлантиришга алмаштирилмаганлиги каби кучоқлашиб кўришиш бош уриштиришга ўрнини бўшатиб бермайди. Этник фарқлар маданиятда йўқолиб кетмаганлиги каби мулоқотда ҳам одоб асосидаги нутқий бирликлар, муайня миллат ёки этносга хос стереотиплар асосидаги мулоқот қолиплари ўз соҳиблари каби сақланиб қолаверади. Албатта, бунинг кафолати миллий тилнинг, этник лисоннинг сақланиб қолишидир.

Мулоқот мураккаб антропоцентрик жараён бўлиб, унда инсон омили етакчилик қилади. Бироқ инсон нутқий вазият ва шароитни, макон ва замонни, тингловчининг хусусиятлари ва ҳолатини ҳам инобатга олмасдан, бу омиллар билан ҳисоблашмасдан ўз коммуникатив мақсадини амалга ошириши қийин [2. Б. 22].

Мулоқот жараёнининг у ёки бу аспекти роман-герман тиллари мисолида П.Грайс [3], Ж.Р.Серль [4], Д.Франк [5], Т.А.Дейк Ван [6], И.М.Кобозева [7] каби йирик олимлар томонидан тадқиқ қилинган бўлса, рус тилшунослигида С.Д.Кацнельсон [8], А.А.Леонтьев [9], Л.В.Щерба [10], Н.Д.Арутюнова [11], В.В.Богданов [12], Н.И.Формановская [13], А.А.Акишина [14], М.С.Каган [15], Л.П.Крысин [16], А.М.Бушуй [17]; ўзбек тилшунослигида С.Иброҳимов [18], Р.Қўнғуров [19], И.Қўчқортоев [20], Ғ.Абдураҳмонов [21], Т.А.Бушуй [22], Ш.Сафаров [23], Ш.Искандарова [24], С.Мўминов [25], Б.Раҳматуллаева [26], М.Камолова [27], Р.М.Авезджанова [28], Д.Тешабоева [29], З.Ҳ.Утешева [30] кабилар ҳам ҳодисанинг у ёки бу томонини тадқиқ қилишган. Қайд этилган ишларда тадқиқотнинг ўрганиш объекти лисоний тизимдан ташқаридан олинган ва уларга кўпроқ лингвистик эмас, балки прагматик характердаги ишлар сифатида қараш лозим.

Ҳар бир инсон ўз мулоқот фаолиятида «қовун туширмаслик»ка қанчалик уринмасин, хатолардан холи бўлиши қийин. Шу боисдан таълим-тарбия (ўз-ўзини тарбиялаш ҳам) вазифалари зиммасида ана шу хатолардан сақланиш, ўзаро мулоқот фаолиятида хатоликларнинг олдини олишга доир умумий тавсиялар ишлаб чиқиш, тўғри мулоқот стратегиясини танлашда ички ишонч ҳамда малака ва кўникмаларни шакллантириш туради. Бу, айниқса, расмий ва ишбилармонлар учрашувларида, хизматчиликда, тадбир ва маросимларда алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, америкалик ишбилармон ёки расмий вакил музокарадан сўнг эркин бўлишга қулайлик учун оёқларининг бирини иккинчисининг устига қўйиб ўтиришга одатланган. Бироқ бу ҳолатни беписандлик деб билган япон ишбилармони ҳатто қўлга киритилган келишувдан воз кечиши мумкин. Япон миллий-руҳий стереотипик тизимида бундай ҳолат йўқ.

Мулоқот формулалари йўл ҳаракати қоидаларидан-да қатъийлиги билан характерланади. Зеро, йўл қоидасини бузиб, автомобиллар билан тирбанд йўлдан ҳеч кимга зиён бермасдан ва ҳеч нарса йўқотмасдан эсон-омон ўтиб кетиш мумкин. Бироқ мулоқот формуласини бузиш ҳурмат-эътиборнинг йўқолишига олиб келиши мумкин. Мулоқот маданияти даражасини кўрсатувчи асосий омиллардан бири сўзлашувчиларнинг ўзаро муносабатини белгилайдиган ички маданияти бўлса, иккинчиси нутқ одобига риоя қилиш, «пардали» ифодаларни қўллаш асосида ўз коммуникатив мақсадига эришиш, тилнинг миллий ментал муҳит билан боғлиқ ҳолда шаклланадиган ва ривожланадиган, дунёдаги барча тилларда тасвирнинг нозик ва юмшоқ, нафосат ва латофатини таъминлайдиган эвфемик воситаларидан унумли фойдаланишда ҳам намоён бўлади.

Мулоқот жонли ва динамик система бўлиб, унинг таркиби ва қурилиш структураси гетерогенлик хусусияти билан характерланади. Юқорида таъкидланганидек, мураккаб жараёнлар шу жараёнларни ташкил этувчи компонентлараро муносабатларнинг мураккаблиги билан боғлиқ. Мулоқот системасини махсус тадқиқ қилган Г.Тоированинг таъкидлашича, «нутқий мулоқотни оддийгина нутқдан – лисоний имкониятларнинг муайян моддий шаклда воқеланишидан – фарқловчи муҳим омил сифатида нутқий мулоқотнинг мураккаблигини ва унинг лисоний (вербал ва новербал) ва нолисоний (этик, эстетик, этнографик ва ҳ.) таркибий қисмларнинг ўзаро уйғунлашувидан иборат бўлган прагматик, ситуатив системадан иборатлигини кўрсатиш мумкиндир. Нутқ бирлиги шу прагматик, оний системанинг тарки-

бий қисмларидан бири мавқеида қолади. Бу мураккаб, нисбатан ситуатив – қисқа ва муайян бир даврда ўрин оладиган ситуатив прагматик тизим бўлишига қарамай, ўзига хос босқичларга эгадир. Бунда сўзловчи ва тингловчи босқичлари бирмунча фарқланади» [31. Б. 23].

Мулоқот тизимининг мураккаб таркиблилиги ҳақида ортиқча тўхталишдан тийилиб, унинг таркибий қисмларини санаш билан чекланамиз. Мулоқот тизими дастлаб икки нисбий мустақил таркибий қисмдан иборат бўлади:

1) ташқи омиллар;
2) ички омиллар.

Ташқи омиллар нутқий интенция, коммуникантларнинг нутқий ҳолати, нутқий вазият, нутқий замон, нутқий макон унсурларидан иборат бўлади. Ички омиллар сифатида лисоний унсурлар қамраб олинади. Лисоний унсурлар ўз ўрнида икки – лисоний новербал ва лисоний вербал омиллар яхлитлигидан иборат.

Саналган омиллар этномаданий хосланган бўлиб, ҳар бири ўзига хос этник мулоқот воситалари орқали реаллашади. Коммуникантларнинг нутқий ҳолати уларнинг қандай вербал ва новербал воситалардан фойдаланиш хусусиятлари билан боғлиқ бўлади.

Баъзида тилнинг алоқа воситаси вазифаси талқинида унинг моҳиятига дахлдор барча қирралар «сусайиб», фақат биологик томонига урғу берилади [32. Б. 9]. Бунда нутқий воқеланаётган лисоний бирликларнинг ҳам моҳиятига тегишли бўлган хабар, ахборот, алоқага кўпроқ дахлдор жиҳатлари эътиборга олинади. Масалан, *кет* коммуникатив бирлигининг соф ахборот қиймати ҳайвон ёки паррандаларнинг кетишга ундовчи биологик ҳаракати ёки товушларидан фарқ қилмайди. У бу қирраси билан тегишли ишора тизими доирасидан ўрин олади.

Тилнинг серқирра вазифаларидан муайн бири воқеланишида уни ташкил этувчи бирликлар турли мақомга эга бўлади. Айрим бирликлар кўпроқ ахборот бериш вазифасига хосланган бўлса, айримлари муносабат билдириш, бошқалари эстетик вазифа бажариш учун кўпроқ хосланган бўлади. Умуман олганда, тил бирликлари ҳам тилнинг ўзи каби мураккаб табиатли бўлиб, улар сўзловчининг мақсад-муддаоларига мос равишда ҳар хил вазиятда турли хил вазифаларни бажаришга, шунингдек, бир вақтнинг ўзида кўплаб вазифаларни бажаришдан иборат синтетик амалиётни ўташга хослангандир. Шу билан биргаликда ундаги мавжуд хусусиятларни кўриш ва баҳолаш ҳам субъектив омил сифатида тил бирлиги муайян бир вазифасининг намоён бўлишини белгилайди. Демак, бундан ботиний моҳият ва зоҳирий аломат ҳақидаги тасаввурлар кўпинча субъектив омиллар маҳсули эканлиги ҳақида ҳукм чиқариш мумкин бўлади. Шахсий «нигоҳ» ва нуқтаи назар айрим ҳолларда лисоний бирлик моҳиятининг тегишли ва қабул қилувчи учун зарур жиҳатини «намоён қилади».

Тиллараро умумий ва хусусий жиҳатларнинг мавжудлиги уларнинг ахборот воситаси сифатидаги вазифаси ва бошқа функционал қийматлари билан боғлиқдир. Тиллараро умумийлик тил бирликларининг объектив борлиқ билан боғланиши асосида тавсифланади. Бу, масалан, турли тиллардаги муқобил сўзлар денотатив қийматларининг мувофиқлигида яққол кўзга ташланади. Масалан, байналмилал бўлган ва терминологик моҳиятли кабель сўзи («ер остидан электр, телефон, радиотармоқларини ўтказиш учун ишлатиладиган, усти герметик ҳимояланган симлар ўрами») да шу ҳолатни кўрамиз. Умумистеъмол қийматли китоб лексемасининг барча тилларда умумийликка эга моҳияти мавжуд бўлиб, бу уларнинг кўпроқ ахборот алмашиш вазифасига хосланган бўлади. Лексеманинг «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да қайд этилган «маълум матнли варақлардан иборат, жузлаб тикилган, муқоваланган, ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган босма (қадим қўлёзма ҳам) асар» ва «умуман, маълум шахс, воқеа-ҳодисага ва б.га оид тугал, одатда, нашр этишга (китоб бўлишга) мўлжалланган асар» лексикографик маънолари тиллараро фарқларни эмас, балки умумийликларни акс эттиради ва маънолар шу ҳолида фақат ахборот узатиш вазифасига хизмат қилади. Бу каби лексемалар баъзан ҳам ахборот узатиш, ҳам таъсир қилиш вазифасини бажариши мумкин. Масалан, китоб лексемаси «ҳаёт», «тажриба» маъноларида қўлланганда, ахборот билан бирга, айни пайтда, кўпроқ эстетик таъсир қилиш вазифасига эга. Бу маъно ўз ўрнида халқ дунёқараши, миллий тажриба ва қадриятлар тизими билан уйғунлашиб кетади.

Тилдаги атов бирликларининг шу тилга хос хусусиятлари улар ифода имкониятларининг ўзига хослигида намоён бўлади. Зотан, бўёқдор лексемалар, тил бирликларининг кўчма маънолари, қанотли сўзлар, иборалар, парафразалар, эвфемистик, какофемистик маъноли бирликлар тилнинг миллий ментал мағиз билан йўғрилган ана шундай ифода воситаларидир. Атоқли адиб Пиримқул Қодиров тиллараро уйғунлик ва фарқлар ҳақида тўхталар экан, ўзбек тилидаги ифода воситаларининг маъновий қиймати нечоғлик салмоқдор эканлигини таъкидлайди. Олим рус таржимони И.В.Стеблева ўзбек тилини, эски ўзбек лисонини қанчалик чуқур билмасин, барибир, таржималарида ўзбекона миллий менталитет билан боғлиқ бўлган, миллий руҳ билан англанадиган ҳолатларни беришда қийналганлигини далиллар

билан кўрсатади. Олима Бобурнинг «Яхшилиқ» радифли ғазалини рус тилига таржима қилиб, яхшилиқ сўзини добро сўзи билан беради. «Ушбу сўзма-сўз таржиманинг маъносини аслият маъносига қиёс қилсангиз, байт семантик жиҳатидан ҳам жўнлашиб, саёзлашиб қолганини кўрасиз. Аввалambор, ўзбекча яхшилик сўзининг маъноси русча добро сўзининг маъносига нисбатан хийла кенг ва кўп қирралидир. Руслар гоҳо буюмни ҳам «добро» дейдилар. Аммо ўзбекча яхшилик фақат инсоний фазилатлардан таркиб топади. Бировни фалокатдан қутқариб қолиш ҳам яхшилик. Бировни тарбиялаб, ўқитиб, фозил одам қилиш ҳам яхшилик. Шу каби ўнлаб маънодаги яхшиликлар борки, уларни биргина добро сўзи билан ифодалаб бўлмайди» [33. Б. 234].

Албатта, бу рус тилининг қашшоқлиги ёки унга нисбатан ўзбек тилининг бойлиги ҳақида ҳукм чиқариш муддаосига айланмаслиги керак. Ўзбекча яхшилик сўзининг маъносини рус тилидаги биргина добро қамраб ололмаганидек, рус тилидаги добро сўзи ифодалайдиган барча маъноларни ҳам ўзбекча яхшилик сўзи билан бериб бўлмаслиги («Доброе утро» – «Хайрли тонг») асосида мазкур сўзларнинг турли тарихий илдизлардан унганлиги ва турли ментал дунёқарашдан озиқланганлигига ишора қилинмоқда. Луғатлардаги яхшилик сўзининг «1. Яхши хислат, хулқ-атвор кабиларга эгалик. 2. Ихтиёрий равишда бирор кишининг манфаатини кўзлаб иш тутиш, бирор манфаат етказиш; меҳрибонлик; хайрли иш, эзгулик», рус тилидаги добро сўзининг 1. Нечто положительное, хорошее, полезное, противоположное злу; добрый поступок. 2. Имущество, вещи (разг.). 3. О ком-чём-н. плохом, негодном (разг.пренебр.)» маънолари фикримизнинг далилидир.

Тилда борлиқ ҳодисаларига муносабат икки йўсинда намоён бўлади. Тўғри маъноли лексемаларда миллий онтологик муносабат асосидаги лисоний жамият кайфияти сўзнинг ботинига мужассамлашади. Кўчма маъноли бирликларда эса тилнинг аташ-номлаш вазифаси устига миллий ёки шахсий индивидуал муносабат қалқиб чиқади. Образли тил ифодалари ўз ифодаланмишларига муносабатнинг барқарорлашуви даражасига қараб семантик моҳиятнинг ижтимоий ва индивидуал типларини фарқлашга имкон беради. Шу асосда, масалан, метафоризациянинг маҳсули лисонийлашган ва нутқий-окказионал кўринишларга эга бўлади. Шахсий-ментал кайфиятнинг барқарорлашуви ва оммалашуви миллий-ментал руҳиятнинг шаклланишига олиб келади. Натижада субъектив муносабат объективлашиб, ифодаловчи ва ифодаланмиш орасида диалектик яхлитлик вужудга келади. Кайфиятнинг барқарорлашуви одатий ҳол касб этиб, урф тусини олади. Буни, масалан, эвфемизация жараёнининг илк палласидаги тўлақонли эвфема ҳолатидан унинг сўнишигача, эвфемик қийматнинг йўқолишигача, окказионал эвфемик маънонинг лисонийлашувигача бўлган оралиқ билан бақамти қўйиш мумкин. Бу индивидуал кайфиятнинг одатга, ҳодисанинг қадриятга айланиш жараёнига уйғундир.

Қайта номлашда ёки номни қайта қўллаш замирида номловчининг, у якка шахс ёки лисоний жамият бўлишидан қатъи назар, узоқ даврлик лисоний тажрибаси ётади. Лисоний тажриба руҳият ва муддао билан уйғун ҳолда иш кўради. Аталмишга янгича нигоҳ ёки муносабат қиёслаш, таққослаш асосида кечади. Бу эса метафоризацияга олиб келади. Метафора эса ишлатилган, ушбу жараёнда сайқал топган, баҳолаш мезони сифатида тажрибада синалган кўзгу бўлиб, борлиқни қайта кузатиш, янги нуқтаи назар асосида янгидан баҳолаш воситаси. Бу кўзгунинг акс эттириш имконияти ментал муносабатнинг хусусияти билан боғлиқ равишда воқеликка айланади.

Лисоний бирликлар сирасида маълум бир белгига бетарафлик хусусияти билан характерланувчи лексемалар хослик, хосланганлик хусусияти билан тавсифланадиган ёки баҳоланадиган лексемалардан кенг имкониятга эгалиги билан ажралиб туради. Зеро, маълум бир белгига бетарафлик бир пайтнинг ўзида бошқа белгига эгалик билан бирга ушбу бетараф белгига ҳам моликликни билдиради. Бу эса лексемаларнинг кенг имкониятлилигидан далолат беради. Шу маънода кўп маъноли лексемаларнинг айрим маъноларида прагматик хосланганликнинг йўқлиги, бошқаларида, хусусан, окказионал ёки узуал кўчма маъноларида прагматик омиллар билан боғлиқ ҳолда воқеланиш хусусиятининг устуворлиги уларнинг кенг қамровли, прагматик ва нопрагматик сифатларни воқелантириш имкониятларининг кенглигидан далолат беради. Қуйида бунга айрим мисоллар келтириш ва улардан баъзиларини қисқача шарҳлаш билан чекланамиз:

НАЙРАНГ [ф. – ҳийла, найранг, макр; фокус; сеҳргарлик] **1** *эск.* Кўз илғамайдиган ҳаракат, чаққонлик ва ҳийла ишлатиб кўрсатиладиган томоша, кўз боғлаш; фокус.

2 *кўчма* Алдамчиликка, макр-ҳийлага асосланган хатти-ҳаракат; ҳийла, лўттибозлик. *Унинг* [*Элмуроднинг*] *назарида, Мадаминнинг бу ҳаракати соддадил одамларга ўзини ҳукуматга «берилган» қилиб кўрсатиш учун қилинган найрангга ўхшарди.* (П.Турсун, «Ўқитувчи») *Ана, текширувда раиснинг ҳамма найранглари очилиб, ишда қолиш-қолмаслиги гумон бўлиб турганмиш-ку!* («Ёшлик»).

НАЙЧА [ф. – кичик най, қамишча] **1** Кичик ёки ингичка най. *У ерда ҳам лабораториядагидай эг-*

*ри-бугри шиша найчалар, шиша идишлар, ўлчағичлар, электрокамера, ҳар хил асбоблар. (*С.Анорбоев, «Оқсой»)

2 *махс.* Ип ўраладиган найсимон асбоб ёки машина қисми. *Бу ернинг бола-чақаси тили чиқиб, аввал билган сўзи – арқоқ билан тароғу найча билан моки. (*А.Мухтор, «Опа-сингиллар»)

3 *бот.* Полиз экинларида ҳосил бўлувчи тугунча, нишона. *Шу билан ошқовоқнинг тутган найчалари сарғайиб тўкилаверди. (*С.Айний, «Эсдаликлар»). *Шаҳарликлар жуда олифта, нозик келишади. Подвалда кўкартирилган картошка уруғининг найчасидан ҳам нимжон. (*М.Ҳазратқулов, «Журъат»).

НАМОЙИШ [ф.] **1** Бирор маросим ёки байрам муносабати билан ўтказиладиган, бирор мақсад билан уюштириладиган оммавий юриш, ҳаракат. *Элмурод, Эргаш, Муса, Омон ўша куни бўлган намойишда саф олдида навбатма-навбат байроқни кўтариб бордилар. (*П.Турсун, «Ўқитувчи»)

2 Тажрибада, амалда кўрсатиш, намоён қилиш. *Денгизга ўхшаш теп-текис ерларда занжирли тракторлар ўз қудратини намойиш қилиб, пароходдай сузиб юрарди. (*Ш.Рашидов, «Бўрондан кучли»)

3 *кўчма* Бирор нарсани кўрсатувчи, намоён қилувчи далил, бирор нарсанинг мужассам ифодаси. *Ҳаваскор артистларнинг шаҳар ва қишлоқларда берган концертлари фольклор қўшиқ ва рақсларининг ёрқин намойиши бўлди. (*Газетадан)

ОТЛАНМОҚ 1 Отга минмоқ. *Ўрмонжон [Аҳмедовнинг] бир гапини.. отлангани узангига оёқ қўяётганида эслади. (*А.Қаххор, «Қўшчинор чироклари»)

2 *кўчма* Бирор жойга бориш учун шайланмоқ, тайёрланмоқ, ҳозирлик кўрмоқ. *Кечки соат олтиларга яқин кўп қатори Тоштемир ҳам учрашувга отланиб, кўчага чиқди.* («Ёшлик») *[Кумушга онаси]: Тур, бўлмаса, юз-қўлингни ювиб отлан, худо ўлим берсин уятсиз эрингга!* (А.Қодирий, «Ўтган кунлар»)

3 *кўчма* Бирор ишни бажариш учун шайланмоқ, жазм қилмоқ. *Янги ғалабалар сари отланмоқ. Сен ёвга қарши отлан, Мен жиловдоринг бўлай. (*Миртемир, Асарлар) [34]

Келтирилган мисоллардаги кўчма маъноларнинг воқеланиши учун маълум прагматик вазият, сўзловчининг баён қилинаётган фикр ёки фикр ҳақида кетаётган объектга субъектив муносабати яққол сезилиб туради. Мисол сифатида отланмоқ лексемасининг иккинчи лексикографик маъносини олайлик. Сўз ушбу маъноси билан нутққа чиқиши учун сўзлашув, бадиий ёки публицистик матн тақозо қилинади. Ушбу услубий вазиятлар эса прагматик омилга яққол мисол бўла олади. Сўзнинг кейинги кўчма маъноси эса прагматик хосланганликнинг янада кучайганлиги билан характерланади. Бу, бир томондан, ҳосила маънонинг бош маънодан кўпроқ узилганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, қўлланиш ўрнининг олдингиларига нисбатан анча торайганлигини намоён қилади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, қўлланиш доирасининг торайиб бориши билан прагматик мазмун кучайиб бораверади. Шу боисдан истеъмол доираси бошқа лексемаларникига нисбатан анча тор бўлган терминологик маъноларда прагматик хослик жуда юқори дейиш мумкин.

Адабиётлар:

1. *Маҳмудов Н.* Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – 152 б.

2. *Рустамова Д.А.* Метафорик эвфемизациянинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти. Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Фарғона, 2018. –145 б.

3. *Грайс Г.П.* Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. – Москва: Прогресс, 1985. – 504 с.

4. *Серль Ж.Р.* Косвенные речевые акты // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. Теория речевых актов. – Москва: Прогресс. 1986. – 423 с.

5. *Франк Д.* Семь грехов прагматики: тезисы о теории речевых актов, анализе речевого общения, лингвистике и риторике. // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. Теория речевых актов. – Москва: Прогресс, 1989. – С. 363 – 373.

6. *Дейк Ван Т.А.* Язык. Познание. Коммуникация. – Москва: Прогресс, 1989. – 311 с.

7. *Кобозева И.М.* Теория речевых актов как один из вариантов теории речевой деятельности // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 17. – Москва: Прогресс, 1989. – С. 7–21.

8. *Кацнельсон С.Д.* Типология языка и речевое мышление. – Ленинград: Наука, 1972. – 213 с.

9. *Леонтьев А.А.* Психология общения. – Тарту: Тартуского университета,1973. – 208 с.

10. *Щерба Л.В.* Языковая система и речевая деятельность. – Ленинград: Наука, 1974. – 428 с.

11. *Арутюнова Н.Д.* Метафора и дискурс (Теория метафоры) / Общ. ред. Н.Д. Арутюновой и М.А. Журинской. – Москва: Прогресс, 1990. – 512 с.

12. *Богданов В.В.* Функции вербальных и невербальных компонентов в речевом общении // Языковое общение: единицы и регулятивы. Межвузовский сборник научных трудов. – Калинин: Калининский государственный университет, 1987. – С.18 – 25.

13. Формановская Н.И. Функциональные и категориальные сущности устойчивых формул общения. Автореф. дисс… докт. филол. наук. – Москва., 1979. – 37 с.

14. *Акишина Н.А., Формановская Н.И.* Русский речевой этикет. – Москва: Русский язык, 1978. – 186 с.

15. *Каган М.С*. Мир общения. – Москва: Политиздат, 1988. – 138 с.

16. *Крысин Л.П.* Речевые общение и социальные роли говорящых // Социально – лингвистическое исследование. – Москва: Наука, 1976. – С. 42 – 52.

17. Бушуй *А.М.* Проблематика теории речевой деятельности в интерпретации А. С. Супруна // Русский язык и литература в школах Кыргызстана, 1999. – № 5 – 6. – С. 143 – 155.

18. *Иброҳимов С.* Ўзбек тили нутқ маданиятига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1964. – № 5. – Б. 20 – 23.

19. *Қўнғуров Р.* Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд: СамДУ, 1975. – 240 б.

20. *Қўчқортоев И*. Бадиий нутқ стилистикаси. –Тошкент: Фан, 1975. – 96 б.

21. *Абдураҳмонов Ғ.* Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари // «Ўзбек тили нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент, 1973. – Б. 51 – 55.

22. *Бушуй Т.А.* Лексическая прагматика как общелингвистичский объект // Хорижий тил таълимининг когнитив–прагматик тамойиллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2007. − Б.18 – 20.

23. *Сафаров Ш.* Система речевого общения. Универсальное и этноспецифическое. – Самарканд: Изд-во им. Г.Гуляма,1991. – 170 с.

24. *Искандарова Ш.* Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – 27 б.

25. *Мўминов С.М.* Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий–лисоний хусусиятлари: Филол. фан доктори... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 20 б.

26. *Раҳматуллаева Б.Х.* Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском яыке (в сопоставлении с узбекским): Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – Тошкент, 1992. – 27 с.

27. *Камолова М.* Особенности формирования коммуникативной компетенции при обучении культуре узбекских учащихся лицеев с русским языком обучения. –Тошкент: Иқтисодиёт, 2004. – 110 б.

28. *Авезджанова Р.М.* Обучение русскому речевому этикету студентов национальных групп педвузов. Автореф. … канд. пед. наук. – Тошкент, 1991. – 24 с.

29. *Тешабаева Д.М.* Культура составления деловых писем в торговой сфере. – Тошкент: УзГУМЯ, 2008. – 128 с.

30. *Утешева З.Ҳ.* Лингвокультрологический аспект в методике обучении речевого этикета на инстранном языке: Автореф. … канд. филол. наук. – Тошкент, 2009. – 25 с.

31. *Тоирова Г.* Нутқий мулоқот ситуатив прагматик система сифатида. Монография. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2013. – 112 б.

32. *Рождественский Ю.Д., Блинов А.В.* Введение в языкознание. – Москва: Академия, 2005. – 336 с.

33. *Қодиров П.* Тил ва эл. – Тошкент: Маънавият, 2010. – 296 б.

34. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. Беш жилдли. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 687 б.

LANGUAGE VALUE AND THE COMMUNICATION PROCESS

D.A.Rustamov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(49). 122 – 129.
[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *language, nomination-naming, signifier, signified, semantic essence, occasionality, linguistic experience, metaphorization, linguistic significance, paradigmatics.*

Each ethnic environment has its own characteristics of communication. Although in the East, in the process of communication, as in all spheres of social and cultural life, Europeanization is intensifying, there are strong layers of ethnic identity that do not crack under the influence of any external force. Ethnocultural communication is built on the foundation of values. Differences in ethnocultural communication are evident not only in word usage but also in the use of paralinguistic tools. Just as the idea of moving the head in a horizontal position has never been replaced by a movement in a vertical position, hugging does not give way to a head shake. Just as

ethnic differences do not disappear in culture, so do etiquette-based speech units in communication, and patterns of communication based on specific nation or ethnic stereotypes remain as their owners. Of course, the guarantee of this is the preservation of the national language, the ethnic language.

The existence of interlingual general and specific aspects is related to their function as a means of information and other functional values. Interlingual commonality is characterized on the basis of the connection of language units with an objective being. This is evident, for example, in the correspondence of the denotative values of alternative words in different languages.

Certain studies emphasize that linguistic value is sought from socialized and stable states of language units. However, in the process of communication, its unusual features also appear in the occasional meanings that occur as a result of the mixing of the essence of linguistic unity with personality and pragmatic factors. For example, that the reflexive pronoun «self» in the sentence «What is this itself?» expresses a synthesis of surprise, the meanings that are characterized in emphasizing and intensifying particle no matter how often it appears in the context of human and pragmatic factors, it is clear that this occasional meaning occurs on the basis of elements peculiar to the linguistic essence of unity, and that external factors exist only in the status of the means that give it strength. Thus, the peculiarity of the pragmatic saturation of this unit in comparison with other types of pronouns can be determined by its high linguistic value. The exclusion of speech factors as a criterion for determining linguistic value, the attempt to interpret linguistic value on the basis of the principle of «language in itself» without anthropopragmatic factors, prevents the full coverage of the essence of the problem. Based on the principle of verbal cooperation, the assessment of linguistic reality based on the interaction of units of different nature serves to ensure the perfection of interpretation.

References:

1. Makhmudov, N. (2012) *Tilimizning tilla sandig'i* [The golden box of our language]. Tashkent: Gafur Gulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi.
2. Rustamova D.A. (2018) *Metaforik evfemizatsiyaning lingvokulturologik va sotsiopragmatik aspekti* [Linguoculturological and sociopragmatic aspects of metaphorical euphemisms]. Dissertation of the doctor of philosophy (PhD) in philological sciences. Ferghana.
3. Grajs, G.P. (1985) Logika i rechevoe obshchenie [Logics and speech communication]. In: Novoe v zarubezhnoj lingvistike [The new in foreign linguistics]. Moscow: Progress. *Lingvisticheskaya pragmatika.* Vol. 16. Pp. 217-237.
4. Serl, J.R. (1986) *Kosvennye rechevye akty* [Indirect speech acts]. In: Novoe v zarubezhnoj lingvistike [The new in foreign literature]. Moscow: Progress. *Teroiya rechevyh aktov*. Vol. 17. Pp. 195-223.
5. Frank, D. (1989) Sem' grekhov pragmatiki: tezisy o teorii rechevyh aktov, analize rechevogo obshcheniya, lingvistike i ritorike [Seven sins of pragmatics: theses on the theory of speech acts, analysis of speech communication, linguistics and rhetoric]. In: Novoe v zarubezhnoj lingvistike [The new in foreign linguistics]. Moscow: Progress. *Teroiya rechevyh aktov*. Vol. 17. Pp. 363-373.
6. Dejk Van, T.A. (1989) *Yazyk. Poznanie. Kommunikaciya* [Language. Cognition. Communication]. Moscow: Progress.
7. Kobozeva, I.M. (1989) *Teoriya rechevyh aktov kak odin iz variantov teorii rechevoj deyatel'nosti* [The theory of speech acts as one of the variants of the theory of speech activity]. In: Novoe v zarubezhnoj lingvistike [The new in foreign linguistics]. Moscow: Progress. Vol.17. Pp. 7-21.
8. Kacnel'son, S.D. (1972) *Tipologiya yazyka i rechevoe myshlenie* [Typology of language and speech thinking]. Leningrad: Nauka.
9. Leont'ev, A.A. (1973) *Psihologiya obshcheniya* [Psychology of communication]. Tartu: Tartuskogo universiteta.
10. Shcherba, L.V. (1974) *Yazykovaya sistema i rechevaya deyatel'nost'* [Language system and speech activity]. Leningrad: Nauka.
11. Arutyunova, N.D. (1990) *Metafora i diskurs* [Metaphor and discourse]. In: Teoriya metafory [Metaphor theory]. Moscow: Progress.
12. Bogdanov, V.V. (1987) Funkcii verbal'nyh i neverbal'nyh komponentov v rechevom obshchenii [Functions of verbal and non-verbal components in speech communication]. In: Yazykovoe obshchenie: edinicy i regulyativy [Linguistic communication: units and regulators]. Mezhvuzovskij sbornik nauchnyh trudov [Interuniversity collection of scientific papers]. Kalinin: Kalininskij gosudarstvennyj universitet.
13. Formanovskaya, N.I. (1979) Funkcional'nye i kategorial'nye sushchnosti ustojchivyh formul obshcheniya [Functional and categorical essences of stable communication formulas]. Abstract of the dissertation of doctor of philological sciences. Moscow.
14. Akishina, N.A., Formanovskaya N.I.(1978) Russkij rechevoj etiket [Russian speech etiquette]. Moscow: Russkij yazyk.
15. Kagan, M.S. (1988) *Mir obshcheniya* [The world of communication]. Moscow: Politizdat.

16. Krysin, L.P. (1976) Rechevye obshchenie i social'nye roli govoryashchyh [Speech communication and social roles of speakers]. In: Social'no – lingvisticheskoe issledovanie [Socio-linguistic research]. Moscow: Nauka. Pp. 42-52.

17. Bushuj, A.M. (1999) Problematika teorii rechevoj deyatel'nosti v interpretacii A.S.Supruna [Problems of the theory of speech activity in the interpretation of A.S. Suprun]. In: Russkij yazyk i literatura v shkolah Kyrgyzstana [Russian language and literature in schools of Kyrgyzstan]. No 5 – 6. Pp.143-155.

18. Ibrohimov, S. (1964) *O'zbek tili nutq madaniyatiga doir* [On speech culture of the Uzbek language]. *O'zbek tili va adabiyoti*. No 5. Pp. 20-23.

19. Kungurov, R. (1975) *O'zbek tili stilistikasidan ocherklar* [Essays on the stylistics of the Uzbek language]. Samarkand: SamDU.

20. Qochqortoev, I. (1975) *Badiiy nutq stilistikasi* [Literal speech stylistics]. Tashkent: Fan.

21. Abdurahmonov, G. (1973) *O'zbek adabiy tilining stilistik normalari* [Stylistic norms of Uzbek literary language]. In: *O'zbek tili nutq madaniyatiga oid masalalar* [Issues related to speech culture of the Uzbek language]. *Collection.* Tashkent. Pp. 51-55.

22. Bushuy, T.A. (2007) *Leksicheskaya pragmatika kak obshchelingvistichskij obyekt* [Lexical pragmatics as a general linguistic object]. In: Xorijiy til ta'limining kognitiv–pragmatik tamoyillari [Cognitive-pragmatic principles of foreign language education]. Samarkand: SamDChTI.

23. Safarov, Sh. (1991) *Sistema rechevogo obshcheniya. Universal'noe i etnospecificheskoe* [The system of speech communication. Universal and ethnospecific]. Samarkand: Publishing house them. G.Gulyam.

24. Iskandarova, Sh. (1993) *O'zbek nutq odatining muloqot shakllari* [Forms of communication of Uzbek speech habit]. Abstract of the dissertation of candidate of philological sciences. Samarkand.

25. Muminov, S.M. (2000) *O'zbek muloqot xulqining ijtimoiy-lisoniy xususiyatlari* [Socio-linguistic features of Uzbek communication behavior]. Abstract of the dissertation of doctor of philological sciences. Tashkent.

26. Rahmatullaeva, B.Kh. (1992) Etiketnye formy obrashcheniya i privlecheniya vnimaniya v sovremennom russkom yayke (v sopostavlenii s uzbekskim): [Etiquette forms of addressing and attracting attention in modern Russian (in comparison with Uzbek)]. Abstract of the dissertation of candidate of philological sciences. Tashkent.

27. Kamolova, M. (2004) *Osobennosti formirovaniya kommunikativnoj kompetencii pri obuchenii kul'ture uzbekskih uchashchihsya liceev s russkim yazykom obucheniya* [Features of the formation of communicative competence in teaching the culture of Uzbek students of lyceums with the Russian language of instruction]. Tashkent: Iqtisodiyot.

28. Avezdzhanova, R.M. (1991) Obuchenie russkomu rechevomu etiketu studentov nacional'nyh grupp pedvuzov [Teaching Russian speech etiquette to students of national groups of pedagogical universities]. Abstract of the dissertation of candidate of pedagogical sciences. Tashkent.

29. Teshabayeva, D.M. (2008) *Kul'tura sostavleniya delovyh pisem v torgovoj sfere* [The culture of writing business letters in the commercial sphere]. Tashkent: UzGUMYA.

30. Utesheva, Z.H. (2009) Lingvokul'trologicheskij aspekt v metodike obuchenii rechevogo etiketa na instrannom yazyke [Linguocultrological aspect in the methods of teaching speech etiquette in a foreign language]. Abstract of the dissertation of candidate of philological sciences. Tashkent.

31.Toirova, G. (2013) *Nutqiy muloqot situativ pragmatik sistema sifatida* [Verbal communication as a situational pragmatic system]. Tashkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi.

32. Rozhdestvenskij, Yu.D., Blinov, A.V.(2005) Vvedenie v yazykoznanie. – [Introduction into the linguistics]. Moscow: Academia.

33. Qodirov, P. (2010) *Til va el* [Language and nation]. Tashkent: Ma'naviyat.

34. Madvaliev, A. (ed.) (2006) O'zbek tilining izohli lug'ati [Explanatory dictionary of the Uzbek language]. In 5 volumes. 3-volumes. Tashkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi.

Муаллиф ҳақида маълумот:

РУСТАМОВ Дилшодбек Абдувахидович – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент. Андижон давлат университети факультетлараро чет тиллар (аниқ ва табиий фанлар) кафедраси мудири. E-mail: dilshod_bek@bk.ru